

**Транспорт вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари
ходимининг энг паст даражасига қўйиладиган
МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

I боб. Умумий қоидалар

1. Транспорт вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари ходимининг энг паст даражасига қўйиладиган малака талаблари (кейинги ўринларда – малака талаблари) Транспорт вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларига (кейинги ўринларда – вазирлик) ишга киришда ва бошқа доимий ишга ўтказишда номзодларни дастлабки тарзда лавозимга мувофиқлигини аниқлаш, ходимларнинг малака тоифасини ҳисобга олган ҳолда кадрларни самарали равишда жой-жойига қўйиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун мўлжалланган.

Қонунчилик ҳужжатларида ходимнинг энг паст даражасига қўйиладиган малака талаблари белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

2. Малака талаблари ходимларни ўз мутахассислиги бўйича горизонтал ёки вертикал тартибда бошқа доимий ишга ўтказиш, тизимдаги асосий иш ўринлари учун кадрлар захирасини тайёрлаш, шунингдек, ходимларнинг ўсиши ва ривожланиши учун шароит яратади.

3. Малака талаблари иш ўринларига қўйиладиган маълумот ва малака бўйича асосий ва қўшимча талабларни белгилайди.

4. Малака талаблари айрим лавозимлар (*масалан, хавфсизлик ва режим бўлинмалари, биринчи бўлим, иккинчи бўлим*), техник ва хизмат кўрсатувчи касбларини ўз ичига олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасидаги лавозимларга қонунчиликка мувофиқ алоҳида малака талаблари белгиланиши мумкин.

5. Малака талаблари рўйхатига киритилмаган (ҳосила) лавозимларга маълумот ва малака бўйича қўйиладиган асосий ва қўшимча талаблар мазкур лавозимга яқин лавозим талабларидан аналог равишда аниқланади.

6. Хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган ходимларнинг маълумоти бўйича ҳужжатлари (таълим йўналиши) қонунчилик талаблари асосида, соҳасига кўра билим ва малакасини қўллашини инобатга олган ҳолда кўриб чиқилади.

7. Айрим ҳолатларда малака талабларида белгиланган маълумотнинг энг паст даражасига ёки йўналишига эга бўлмаган, лекин етарли даражада амалий тажрибага эга бўлган, ўзларига юкланган лавозим вазифаларини тўлиқ ҳажмда

ва сифатли бажарадиган ходимлар маълумотнинг тегишли даражасини ёхуд маълумотнинг бошқа йўналишини талаб қиладиган лавозимга қабул қилиниши мумкин, агар қонунчиликда бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса.

Номзоднинг етарли даражада амалий тажрибага эгаллиги ҳамда ўзига юкланган лавозим вазифаларини тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариши номзод билан суҳбат давомида ва олдинги иш фаолияти орқали аниқланади.

8. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни горизонтал ёки вертикал тартибда бошқа лавозимга ўтказишда, ходимнинг меҳнат самарадорлигини инобатга олиб, уни малака талабларига мувофиқ деб топиш мумкин.

9. Қонунчиликда бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, номзодларга белгиланган тартибда бошқа (асосий ва қўшимча) талаблар белгиланиши мумкин.

II боб. Вазирлик марказий аппарати ходимининг энг паст даражасига қўйиладиган малака талаблари

10. Вазирлик марказий аппарати ходимининг энг паст даражасига қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

Маълумот	Олий	<i>Камида бакалавр даражасига эга бўлиши лозим.</i>
Меҳнат стажи	Соҳаси бўйича етарли меҳнат стажига эга бўлиши	<i>Вазир маслаҳатчилари, котибият бошлиғи, департамент бошлиғи - 5 йил раҳбарлик; Департаменти бошлиғи ўринбосари - 4 йил раҳбарлик; Бошқарма бошлиғи - 3 йил раҳбарлик; Бошқарма бошлиғи ўринбосари - 2 йил раҳбарлик; Бўлим бошлиғи, матбуот котиби, вазир ёрдамчиси - 5 йил; Бўлим бошлиғи ўринбосари - 4 йил; Бош мутахассис - 3 йил; Етакчи мутахассис - 2 йил.</i>
Давлат тилини билиши	Давлат тилини билиши	<i>Суҳбат жараёнида оғзаки ва ёзма нутқда фикрларини узвий ифода эта олиши лозим.</i>
Хорижий тилни билиш даражаси	Камида 1 та хорижий тилни мукамал билиши	<i>Устувор равишда инглиз ёки рус тилини мукамал билиши муҳим. Бунда, хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатларга эга бўлиши афзалликлар беради.</i>

Компьютер саводхонлиги	Компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича минимал билим ва кўникмаларга эга бўлиши, MS Office иловаларининг офис тўплами ҳамда Интернет тармоғидан фойдалана олиши	<i>Word, Excel, PowerPoint, Access каби иловалар ҳамда Интернет тармоғида ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши лозим. Номзоднинг тест синови босқичида АКТ йўналишида берилган саволларга жавоби суҳбат жараёнида инобатга олинади.</i>
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорлиги	Соҳа бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда стандартларни ишлаб чиқиш тажрибаси	<i>1. Соҳаси бўйича ҳукумат қарорлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва улар билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши.</i> <i>2. Транспорт соҳаси ва унинг кўлами, соҳадаги ташиқлотлар ва уларнинг фаолияти билан яқиндан хабардор бўлиши.</i>

Изоҳ: Вазирлик марказий аппарати бош мутахассисининг ушбу лавозимдаги иш стажси раҳбарлик лавозимидаги иш стажси ҳисобланади.

11. Вазирлик марказий аппарати ходимининг энг паст даражасига **мутахассислик бўйича** қуйидаги талаблар қўйилади:

Вазир ёрдамчиси	Соҳасига кўра билимларини қўллаш билан боғлиқ
Вазир маслаҳатчиси (туризм бўйича)	Транспорт, иқтисод, туризм йўналишлари
Вазир маслаҳатчиси (маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили бўйича)	Филология ва тилларни ўрганиш, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми бошқармаси	Соҳасига кўра билимларини қўллаш билан боғлиқ
Таҳлилий материаллар тайёрлаш бўлими	Транспорт, иқтисод, менежмент йўналишлари
Стратегик режалаштириш, статистика ва методология бўлими	Транспорт, иқтисод, менежмент йўналишлари
Мурожаатлар бўлими	Соҳасига кўра билимларини қўллаш билан боғлиқ
Девонхона	Соҳасига кўра билимларини қўллаш билан боғлиқ
Юридик бўлим	Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) йўналишлари

Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими	Иқтисод (транспорт соҳаси бўйича), юриспруденция (фаолият турлари бўйича), менежмент (транспорт соҳаси бўйича) кадрлар менежменти ва транспорт йўналишлари
Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлинмаси	Иқтисод (транспорт соҳаси бўйича), менежмент (транспорт соҳаси бўйича) кадрлар менежменти ва транспорт йўналишлари
Авиация ҳодисалари ва инсидентларини текшириш бўлими	Авиация йўналишлари
Ахборот хизмати	Журналистика (фаолият турлари бўйича), ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар
Давлат харидлари ва хўжалик бўлими	Бухгалтерлик ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича), молия, иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) йўналишлари
Ички аудит хизмати	Бухгалтерлик ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича), молия, иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) йўналишлари ҳамда ички аудит миллий малака сертификати
Коррупцияга қарши курашиш бўлими	Соҳасига кўра билимларини қўллаш билан боғлиқ
Автомобил ва жамоат транспорти департаменти	Автомобил транспорти йўналишлари, иқтисодиёт (Автомобил транспорт бўйича), менежмент (Автомобил транспорт бўйича)
Халқаро ҳамкорлик, логистика ва рейтинглар бошқармаси	Жаҳон сиёсати, иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) транспорт йўналишлари, юриспруденция (транспорт ҳуқуқи) йўналишлари
Протокол бўлими	Жаҳон сиёсати, иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича), юриспруденция (транспорт ҳуқуқи) йўналишлари
Темир йўл транспорти бошқармаси	Темир йўл транспорти, иқтисод (темир йўл транспорти бўйича), менежмент (темир йўл транспорти бўйича) йўналишлари
Ҳаво транспорти бошқармаси	Авиация, иқтисодиёт (авиация транспорти бўйича), менежмент (авиация транспорти бўйича) йўналишлари
Молия-иқтисод ва тариф бошқармаси	Молия, иқтисодиёт (транспорт соҳаси бўйича), бухгалтерлик ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) йўналишлари
Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бўлими	Ахборот-коммуникация технологиялари, иқтисодиёт (АКТ соҳасида) ва менежмент (АКТ соҳасида) йўналишлари

Инвестициялар ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўлими	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича), молия, транспорт йўналишлари
Йўл ҳўжалиги бўлими	Автомобил йўллари, иқтисод (транспорт соҳаси бўйича), менежмент (транспорт соҳаси бўйича) йўналишлари

Изоҳ:

1. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган номзодларга устунлик берилади.

2. Соҳасига кўра билимларини қўллаш билан боғлиқ - ушбу соҳа бўйича етарли даражада амалий тажрибага эга бўлган, ўзига юкланган лавозим вазифаларини тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажарадиган номзодлар маълумотининг тегишли даражаси.

III боб. Вазирлик ҳудудий бўлинмалари ходимининг энг паст даражасига қўйиладиган малака талаблари

12. Вазирлик ҳудудий бўлинмалари ходимининг энг паст даражасига қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

Маълумот	Олий	<i>Камида бакалавр даражасига эга бўлиши лозим.</i>
Меҳнат стаж	Соҳаси бўйича етарли меҳнат стажига эга бўлиши	<i>Бўлинма раҳбари - 3 йил раҳбарлик; Бўлинма раҳбари ўринбосари - 2 йил раҳбарлик; Бўлим бошлиғи, матбуот котиби - 4 йил; Бўлим бошлиғи ўринбосари, шуба бошлиғи - 3 йил; Бош мутахассис, бош инспектор - 2 йил; Етакчи мутахассис — меҳнат стажига талаб этилмайди.</i>
Давлат тилини билиши	Давлат тилини билиши	<i>Сўхбат жараёнида оғзаки ва ёзма шуктда фикрларини узвий ифода эта олиши лозим.</i>
Хорижий тилни билиш даражаси	Камида 1 та хорижий тилни мукамал билиши	<i>Ушувор равишда рус ёки инглиз тилини мукамал билиши муҳим. Бунда, хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатларга эга бўлиши афзалликлар беради.</i>
Компьютер саводхонлиги	Компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича минимал билим ва	<i>Word, Excel, PowerPoint, Access каби иловалар ҳамда Интернет тармоғида ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши лозим.</i>

	кўникмаларга эга бўлиши, MS Office иловаларининг офис тўплами ҳамда Интернет тармоғидан фойдалана олиши	<i>Номзоднинг тест синови босқичида АКТ йўналишида берилган саволларга жавоби суҳбат жараёнида инобатга олинади.</i>
Норматив-хукукий ҳужжатлардан хабардорлиги	Соҳа бўйича норматив-хукукий ҳужжатларни билиши, норматив-хукукий ҳужжат ҳамда стандартларни ишлаб чиқиш тажрибаси	<i>1. Соҳаси бўйича ҳукумат қарорлари, норматив-хукукий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва улар билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши.</i> <i>2. Транспорт соҳаси ва унинг кўлами, соҳадаги ташкилотлар ва уларнинг фаолияти билан яқиндан хабардор бўлиши.</i>

13. Вазирлик ҳудудий бўлинмалари ходимининг энг паст даражасига **мутахассислик бўйича** қуйидаги талаблар қўйилади:

Ҳудудий бўлинма раҳбари	Иқтисод (транспорт соҳаси бўйича), менежмент (транспорт соҳаси бўйича), транспорт йўналишлари
Ҳудудий бўлинма раҳбари ўринбосари	Иқтисод (транспорт соҳаси бўйича), менежмент (транспорт соҳаси бўйича), транспорт йўналишлари
Бош бухгалтер	Молия, иқтисодиёт (транспорт соҳаси бўйича), бухгалтерлик ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) йўналишлари
Транспорт ташувларини мувофиқлаштириш бўлими	Иқтисод (транспорт соҳаси бўйича), менежмент (транспорт соҳаси бўйича), транспорт йўналишлари
Транспортни ривожлантириш шубаси	Иқтисод (транспорт соҳаси бўйича), менежмент (транспорт соҳаси бўйича), транспорт йўналишлари
Тендерларни ўтказиш бўйича бош мутахассис	Иқтисод (транспорт соҳаси бўйича), менежмент (транспорт соҳаси бўйича), транспорт йўналишлари
Инсон ресурсларини бошқариш ва режим бўйича бош мутахассис	Иқтисод (транспорт соҳаси бўйича), юриспруденция (фаолият турлари бўйича), менежмент (транспорт соҳаси бўйича) кадрлар менежменти ва транспорт йўналишлари
Мурожаатлар ва хатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис	Соҳасига кўра билимларини қўллаш билан боғлиқ
Бош юрисконсулт	Юриспруденция (фаолият турлари бўйича) йўналишлари

IV боб. Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар тоифаси

14. Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига (ХАЛИКК-2020) мувофиқ умумий талаблар қўйилади.